

Навоий меросини муazzам уммонга ўхшатишади. Зангори осмон остида чайкалиб турган баҳри мухитнинг шиддаткор тўлкинлари күёшнинг мунаввар нурлари билан коришиб, борликка ёркин ифор таратади. Кўзни камаштириб, кўкка ўрлаётган томчиларнинг хар бирида илохий нур жилваланади. Навоий мероси ана шундай бокий, мафтуңкор. Бу табаррук зот ижодини ўрганган кишиларнинг кайта-кайта хайратга тушавериши сабаби хам шунда. Хар бир тамаддуннинг ўз бунёдкорлари бўлар экан. Яратганинг бандаларига марҳаматими, ё шунчаки тасодифми, тарих зарвариларида уйгониш — инсониятнинг олтин асри номи билан кайд этилган IV асрда — айнан Алишер Навоий яшаб ижод килган даврда дунёнинг нариги чеккасида яна бир даҳо ижодкор (не ажабки, унинг номида хам шер бор) Леонардо да Винчи (1452-1519) яшаётган эди. Рассом, олим, шоир, хайкалтарош, мухандис, ихтирочи, архитектор, мусикачи бўлган италиялик даҳонинг хаёти килган кашфиётлари жуда кўп марта тадқик этилган. Хаёти баётига, баёти хаётига айланган бобокалонимиз даҳоси хам Леонардоникидан асло кам эмас. Факат етарлича тадқик этилмаган холос.

Навоий хам барча фанлар билан шугулланди — илми нужум, мусика, табобат, лугатшунослик, ўқ отиш санъати, адабиёт назарияси, кушлар хаёти — зоология. Хусусан, унинг тасвирий санъатда хам машклар килиб тургани, хатто Хусайн Бойкаронинг суратини чизгани хакида манбалар гувоҳлик беради. Леонардонинг сирли табассуми (Мона Лиза) каби Навоийнинг ўз кўли билан чизган занжирбанд шер сурати хам мана беш асрдирки, такрор-такрор мунозаралар манбаига айланиб келади. Бу буюк зот мусика илмида хам ноёб истеъдод соҳиби бўлиб, бир канча куйлар ижод килган. Шунингдек, бош меъмор сифатида ўз маблаги хисобидан кўприк, тегирмон, хаммол, бог, макbara, масжид, шифохоналар барпо этди, ариклар каздирди. Бунёд этган иншоатларининг аксариятининг тархини ўзи чизди, тузатди.

«Лисон-ут-тайр»да (насрий баёни) ўқиймиз: «Инсон кўнглини турли билимлар хазинаси килди ва бу тилсим ичиди Аллоҳ ўзини яширди». Не ажабки Навоийнинг ёзганлари хам шунчаки шеърий хавас ёки биргина маъно англатувчи сўзлар кетма-кетлигидан иборат эмас, рамзий-мажозий мазмуни кўп катламлидир. Хар бир байти мӯъжизага мензагулик сатрларидан илохий донишмандлик уфуриб туради. Шеърият сultonни тахайюл отида шунчалар узокларга парвоз этолганки, унинг олдида нафакат тезлик, балки вакт — асрлар хам чикора. Масалан, манзумаларида даври учун бутунлай бегона бўлган турли тимсоллар (образ) учрайдики, гўё Навоий тафаккур галадонида бунёд бўлган илмий кашфиётларини, башоратлари ва фаразларини сатрлари катига сингдириб юборгандек. Масалан, мутафаккирнинг гўзал газалларидан бирида шундай сатрлар мавжуд:

Хилъатим то айламиш жонон кизил, сариг, яшил,  
Шулаи охим чикар хар он кизил, сариг, яшил.

Шишадек кўнглимдадур гулзори хуснинг ёдидин,  
Тободонинг аксидек алвон кизил, сариг, яшил.

Газалда инсон руҳий холатлари нозиклиги, сирлилиги, ташки дунё ва одам сурати билан

уйгунликда экани жуда нозик холатда тасвирланган. Шоир танлаган уч ранг кизил, сарик, яшил — ўзининг барча товланишлари билан номоён бўлади. У гарчи ёр тавсифига багишланган бўлса-да, юкоридаги сатрларни ўкиб, сизнинг хаёлингизда хам бугун бутун дунёда машиналарнинг катновини тартибга солиб турган светафор гавдаланганига шубха йўк. Тўгри, бир карашда бу шеър ва светафорнинг бир-бирига умуман алокаси йўқдек туюлади. Аммо ранглар силсиласи, уларга юклangan вазифа иккисини бир-бирига боғлаб турганини илгаш у кадар кийин эмас. Маълумки, кизил ранг такик белгиси, ёр дастлаб ошикнинг севгисини рад этади, ноз килади. Сарик ранг тайёргарлик, ошикнинг ранги саргайиб фигони кўкка ўрлайвергач, жононанинг кўнгли хам унга илий бошланди. Яшил ранг бу йўл очик дегани. Газалда хам ёр турфа ранглардаги кийимларда кўриниш бериб, ошикнинг кўнглини эзади. У яшилликка бурканганда васл айёми бошланади. Дарвокэ, Навоий байтларида илк бор намоён бўлган бу рамз — светафор америкалик олим Гаррет Морган томонидан 1916 йилга келибгина кашф килинди.

Энди мана бу сатрларга (Фавойид-ул-кибар) эътибор каратайлик:

Нега таркинг этмай, эй чархки: шому ахтарингдин —  
Кародур юзинг, валекин... ок эрур юзингда холинг!..

Мазкур байтнинг иккинчи мисрасида фототасвир ибтидоси — негатив кўринишлар (ок рангнинг кора, кора рангнинг ок бўлиб кўриниши) хакида гапирилаётгандек гўё. Ўрни келганда эслатиш жоиз, биринчи фотоаппарат француз олими Луи Жак Даггер томонидан 1839 йилда кашф килинди. Илк негативлар хам айнан шу йили Фокс Тальбот томонидан ихтиро этилди. Навоий эса улардан деярли 350 йил олдин бу хакда маълумот беряпти.

Барчага яхши маълум, 1928 йилда Тошкентда ихтирочилар Б.Грабовский ва И.Белявскийлар электр-нур ёрдамида харакат килаётган тасвирни бир жойдан узатадиган ва кабул киладиган аппарат яратиб, уни муваффакиятли синовдан ўтказдилар. Юртимиз пойтахти телевидениё ватани сифатида тан олинди. Аммо Навоий улардан хам анча йиллар олдин буни кўра олганди. Сўзимиз исботи учун «Фарход ва Ширин» достонидан олинган куйидаги мисраларни келтириш кифоя:

Гаройиб кўп хувайдо бўлгусидир,  
Бас, анда шакл пайдо бўлгусидир...

Кўруниб хар замоне — кўзга бир шакл,  
Кўз олгоч — бўлгусидир ... ўзга бир шакл!..

Чу бўлди жилвагар ошкор юз навъ,  
Анга хам бўлгуси — тимсол юз навъ!..

Маълумки, экранда кадрлар бир секундда 24 маротаба алмашади ва жонли тасвир кўринади. Шакл бу кадрлар десак, уларнинг алмашинувидан турли-туман гаройиботлар, жонли суратлар, рангин киёфалар силсиласи намоён бўлади. Энг ажабланарлиси, Навоий бу курилмани хам ўз холича «Ойнаи жаҳон» деб номлайди. Фарход узок Арман

ўлкасининг маликаси Шириннинг хусну жамолини айнан шу восита оркали кўриб, унга маҳлиё бўлиб колади.

«Фарход ва Ширин» достонини мутолаа килишда давом эцак, бугун тилимиз анча келишиб колган XX аср яратикларидан бири — роботлар хакидаги сатрларга хам кўзимиз тушади:

Бўлур дарвоза ичра ошкоро,  
Темур жисмики килмиш пайкар оро.

Эрур одамга монанду мушобих,  
Илгida темурдан ёй килиб зих.

Ва лекин ушбу пайкар рой то фарқ,  
Бўлиб ўтдек темур ўрчин аро гарк.

Маъноси шундай: «У одамга жуда хам ўхшар, кўлида ўткир ўқ тортилган темир ёйни ушлаб тураг эди. Бошидан оёқ совутга ўралган бу темир одам ич-ичидан ёниб турарди».

Хамсанинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёра»да эскалатор ва лифт хакидаги фаразларни ўкиган машур шаркшунос олим Бертелс хам хайрат огушида колганини яширмаган экан.

Поялар мақдамида бўлгай паст,  
Айлагай бир-бири юзига нишаст.

Чун секиз поя катъ бўлди тамом,  
Айлагач шох ўз ерида маком.

Яна ул поялар баланд ўлгай,  
Тахтидин шох баҳраманд ўлгай.

Ким, каён шах бўлур нишотангез,  
Оз ишорат била юрграй тез.

Маъноси шундай: «Шох бу тахтга чикадиган бўлса, пиллапоялар унинг кадам кўйиши учун пасайиб, бир-бирининг устига ётади. Шох шу 8 поянинг хаммасини босиб ўтиб, ўз тахтига ўтиргач, у зиналар яна баланд кўтарилади. Шох кай тарафга караб ўтиришни хохласа, озгина ишорат кифоя. Тахт ўша тарафга караб айланади». Бу ерда кейинги асрларнинг, янаям аникроги — 1892 йилда америкалик кашфиётчи Жесси Рено томонидан ясалган эскалатор хакида гап кетаётганига шубха йўк.

Хамсанинг бешинчи достони бўлмиш «Садди Искандарий» хам бундай тимсол ва мажозлар билан тўла. Масалан, Искандарнинг сув тубига тушиш учун шишадан маҳсус ноёб аппарат ясатгани хикоя килинади:

Килиб сув тубин кўрмак андишае,  
Хамул хикмат ахли ясаб шишае.

Кириб шишага ранжу ташвир ила,  
Анинг оғзин беркитиб кийр ила,

Танобеки, бўлгай неча минг кари,  
Эшилган, келур чогда дарё сари

Бир учин килиб шиша даврига руст,  
Яна бир учун туттуриб элга чуст.

Бу янглиг килиб чўкти дарё куйи,  
Ани каърига чекти дарё суйи.

Гаройибики, дарёда бўлгай нихон,  
Анга зохир ўлди жаҳон дар жаҳон.

Маъноси куйидагича, «Сув тубин кўриш орзузи (Искандарда) тугилди. Олимлар тез орада шишадан бир идиш ясадилар. Искандар хавф-хатар билан шиша ичига кирди. Унинг оғзини мум ва пўқак билан мустахкамладилар. Денгиз суви уни ўз каърига тортиб кетди. Шундай килиб, сув тубида номаълум бўлмиш бутун гаройиботлар бошдан оёқ намоён бўлди». Тасаввур кудратини карангки, Навоий — батискафни ихтиро килган (1948 йилда) швейцарялик олим Огюст Пикардан роппа-роса 463 йил олдин сув тубига тушувчи курилма, унинг шакли, кисмлари хакида ёзиб колдираяпти.

Навоий асарларида бугунги замонавий автомобилларнинг матори-двигетилига ўхшаш нарса хакида хам сўз кетади:

Ичинда намудор андок тилсим,  
Ки ул хуфра кунжида бир рўй жисм.

Киши хайъати бирла жунбушнамой,  
Ул оташгоҳ ичра хароратфизой.

Ясаб олида дам била кўрае,  
Хамул кўра жисмида мошуреа.

Чу ул кўрау дамга айлаб ситез,  
Бу мошурна нафхи килиб шула тез.

Сатрларнинг насрий баёни шундай: «Тилсим чукурнинг бир бурчагига жойлаштирилган бўлиб, кўринишидан одамнинг гавдасига ўхшайди. Ўша кишининг хайбатига ўхшаган тилсимнинг кайнashiidan ўтхонада харорат хосил бўлади. Ўшанинг ёнида бир дам билан кўра бор, шу кўрага хаво берадиган бир най ўрнатилган. Шу дам билан кўранинг халиги найи оркали пуфланиб, унинг ичидаги олов билан туташтирилади».

Кейинги сахифаларда бугун уйларимизга хам иссиклик хам муздек харорат баҳш этиб турувчи кондиционер (1915 йилда француз олими Жанн Шабаннес биринчи кондиционерга патент олган) хакида гап кетади:

Ки ҳар сори лавхе эрур таъбия,  
Бирида елу бирда ўт таъмия.

Маъноси шундай: «Чохнинг икки ёнига яхшилаб караса, бирига ўт, иккинчисига хаво деб ёзиб кўйилган. «Фарход ва Ширин»дан олинган мана бу байт хам унга хамоҳанг жаранглайди:

Кетурдилар хакими нуктадони,  
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоне!..

Килиб тунни — ёруг, кунни коронгу,  
Сувдин — ўт ёндуруб, ўтдин — сепиб сув.

Маълумотларга кўра, 1763 йилда илк бор урушда кимёвий-бактериологик куролдан фойдаланилган. Ўшанда хам европалик истилочилар Америка китъасида хинду кабилаларини бўйсундириш учун эпидемия таркатувчи касалликдан фойдаланишади. Навоий эса XV асрдаёқ хотирани йўкотувчи, кишини манкуртга айлантирувчи кимёвий восита хакида маълумот берган:

Бориб тушти аъдо аросига чуст,  
Азим ун чикорди тегиб ерга руст.

Деган тўрт иш тутти андин вужуд:  
Садоу афан, ис била ўту дуд.

Садо ботил этти фусунларни пок.  
Ўти куйдуруб калъани килди хок.

Фусунгар юзин дуди этти каро,  
Иси кўймади нукта хотир аро.

Маъноси шундай: «Коптоксимон курол осмонга учеб, душманнинг бошига етди ва ерга каттик тегиб, портлади. Ундан даҳшатли садо чикди. Яна саркаш ўт, коп-кора тутун ва бадбўй хид чикарди. Садо сехрларни тамоман ботил килди, емирди. Ўт хаммаёкни куйдириб, калъани хароб айлади. Тутун сехргарларнинг юзини корайтирди. Хид уларнинг миясидаги хотирани йўкотди».

Одатда дахолар ўз ўлимини олдиндан билади, дейишади. Рус шоири Александр Пушкиннинг (дуэлда вафот этган) “Евгений Онегин” асарида Ленский образида ўз ўлими манзарасини тасвирлагани, Шоҳ Машраб (Балх хокими Махмуд Катагон томонидан 1711 йил дорга осилади) нинг «Мансури Халлождек ичир шароби антахур, Чарх уриб йиглаб туурман ушбу дам дор остида» деб нола килиши хам сўзимиз исботи. Навоий хам бундан

мустасно эмас, албатта. У ўзининг «Фавойид ул-кибар» — «Кексалик фойдалари» девонида 45-60 ёшни умрнинг киши хисоблайди. Олтмиш ёш хакида гапирганда «жон бермок» истилохини истифода этади. Хўш, ўйлаб кўрингчи, Навоийнинг устози Лутфий 99 йил умр кўрганида, Навоийга бу ёшда ўлим хакида гапириш нега керак бўлди экан?..

Тақдирнинг ажаблигини карангки, у хам роппа-роса олтмиш йил умр кўрди. Манбаларда ёзилишича, Навоий бошка мулоzимлар билан 1500 йил 29 декабр куни Астробод юришидан кайтаётган Хусайн Бойкарони кутиб олгани чикади. Шоҳ билан кўришаётганда, Бойкаронинг кўлига йикиласди. Навоийни тезда Хиротга олиб келишади. Шоирда сакта (инсульт) касали аломатини пайкаган тарихчи Хондамир ўша захотиёк кон олишни тавсия киласди. Аммо табиб Абдулхай Туний бунга карши чикади. “Хиротдаги табиблар йигилишида хал киламиз”, дейди у. Бойкаро хам кон олинглар, деб буюрганида вакт кўлдан берилган эди. Шоирнинг томиридан кон чикмайди. Шу тарика 1501 йилнинг 3 январ куни бу ёруг олам ўзининг яна бир назири йўқ дахоси билан видолашди.

Таажжуланарлиси, шоир анча йиллар аввал ёзган шеърларидан бирида ўзининг ўлими манзарасини хам чизганди. «Бадоеъ ул-васат» — «Ўрта ёш бадеалари» асарида “Йўлида кош мени пора-пора килгайлар, Ки халк холима бир-бир наззора килгайлар” матласи билан бошланувчи газалда улкан калб сохиби шундай нола килганди:

Бу дард илаки ўлармен, мараз чу зохир эмас,  
Табиблар бу балога не чора килгайлар.

Дарҳакикат, Навоий хак бўлиб чиқди, табиблар касалга чора топа олмадилар. Орадан йиллар, асрлар ўтди. Хамма даврларда хам халк бу буюк зот дахоси олдида бош эгди, шеърларини ёдлаб, узун тунларда фарзандларига маъно-маҳзанини тушунтириб беришдан чарчамади. Кабрини зиёрат килиб, обод этиб турди. Дарвоке, жафокаш афғон юрти XX асрда уруш ўчогига дўнишини, ўз кабрининг харобага айланишини хам Навоий беш аср наридан кўриб, билиб тургандек:

Чун кулар ёни сўкилган жисму зоримни кўриб,  
Йиглайму ёни емрилган мозоримни кўриб.

Албатта, юкорида санаб ўтилган тимсоллар, рамзлар, ўз даври учун гайриоддий бўлган курилмалар, башоратлар Навоий ижодида бехисоб. Баланд минора устига ўрнатилган бугунги параболек ва спутник антенналарига ўхшаш курилмалар, дунёнинг нариги чеккасидаги инсон билан тўгридан-тўгри бир-бирини кўриб турган холда (вебкамера оркали) мулокотда бўлиш, компьютер, интернет, кишининг май ичган-ичмаганини аниклаб берадиган восита, кибернитика хамда яна бошка турли гайриоддийликлар хусусидаги фаразлар шулар жумласидан. Яна хатто XXI аср одамлари тасаввур доирасидан хам ташкарида бўлган антика тимсоллар, фаразлар учрайдики, хайратланмай илож йўқ. Агар уларнинг мукобилини бугун хам учратмасак, буни замонавий фан ва техниканинг нокислигидан деб билиш лозим.

Дарҳакикат, олимлар таъкидлаганидек, Навоий ижоди муҳташам бир каср, барча унинг ёнида айланиб юрибди холос. Модомики, бепаён тафаккур сарҳадларини фатҳ эта

олган шеърият сохибкироннинг олтин мероси миллат рухини тарбиялар экан, унинг ижодини ижоди каби комусий равишда тадқик ва тахлил этиш, бу жараёнда, айникса, ёшларда рагбат уйгота олиш бугунги куннинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб колаверади.

Иномжон Абдиев